



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
“ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ
ТАРКИБИДАГИ “ШОН-ШАРАФ” ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

2024 йил
Январь-февраль №1-2

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ
БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ
АХБОРОТ ДАЙДЖЕСТИ



АЖДОДЛАР

ХОТИРАСИ

ҲАМИША

БАРҲАЁТ



МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ АХБОРОТ ДАЙДЖЕСТИ

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирининг
маданий ишлар бўйича ўринбосари-
“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси
бошлиғи Юсупов Ш.Н.
умумий таҳрири остида

Раҳбар:
Шакиров М.А.

Бош муҳаррир:
Юлдашева Ш.Э.

Муҳаррирлар:
Бабаджанов Ҳ.Б.
Рахимов Ш.М.
Исаҳова Б.А.
Бозоров З.Ғ.

Дизайнер ва саҳифаловчи:
Хакимов Б.Ш.

I. Президент Шавкат Мирзиёев 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табрик йўллади.....	3
Музей янгиликлари	
II. “Қамал садоси” мавзусида телемост ташкил этилди.....	6
III. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.....	8
IV. “Коррупция – ривожланиш кушандаси” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.....	10
V. “Генерал ва ёшлар” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.....	12
VI. “Шон-шараф” давлат музейида Собир Рахимов экспозициясининг яратилиши.....	14
VII. 9 февраль – Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган кун.....	16
VIII. 14-феврал Бобурийлар сулоласи асосчиси, ўзбек адабиётининг йирик номоёндаларидан бири, олим, саркарда Захриддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кун.....	18
IX. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига январь-февраль ойларида ташриф буюрган делегациялар.....	20
X. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Самарқандга кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик масалалари тарихи.....	21
XI. Сўнгги уруш.....	26

Президент Шавкат Мирзиёев 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табрик йўллади



**Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!
Муҳтарам Қуrolли Кучларимиз фахрийлари!
Қадрли ватандошлар!**

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сана – Ўзбекистон Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз сизлар каби мард ва жасур ҳарбийларимиз тимсолида Ватанни ҳимоя қилишдек дунёдаги энг улуғ ишни шараф билан адо этиб, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари буюк аجدодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган она юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради.

Мана шу қутлуғ айёмда барчамиз сизларнинг метин иродангиз, жанговар руҳингиз ва шиддатингизга қараб, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлиги мустаҳкам ишончли қўлларда эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришаётган барча ютуқ ва марраларимизда Қуrolли Кучларимиз ва уларнинг сафларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган минг-минглаб ҳарбийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимизнинг асл ўғлонларига хос фазилатлар улуғланадиган мана шу унутилмас лаҳзаларда Ватан олдидаги бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ботир жангчиларимизни ёд этиб, уларнинг ўлмас хотираси олдида таъзим қиламиз.

Ишончим комил, улар ўзларининг жасорати ва ўчмас номлари билан эл-юртимиз қалбида ҳамиша барҳаёт яшайди, жанговар сафларда уларнинг ўрни, азиз хотираси ҳеч қачон йўқолмайди.

Мухтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда “Халқ ва армия – бир тану бир жондир” деган эзгу ғоя асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича олиб бораётган ислохотларимиз натижасида миллий армиямизда чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда, унинг сафларида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Бу борада, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларимизнинг профессионал маҳорати ва обрў-эътибори жаҳон миқёсида ҳам юксалиб бормоқда. Буни мамлакатимиз Қуролли Кучлари вакилларининг нуфузли халқаро ҳарбий мусобакаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз ҳамда Миллий армиямиз ва халқимизнинг фаол ҳамкорлиги туфайли Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлигининг ишончли кафолатига, чинакам жасорат ва матонат мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсидаги ҳозирги ўта мураккаб вазиятда мамлакатимиз хавфсизлиги ва манфаатларини ишончли таъминлаш янада долзарб вазифамизга айланмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, юртимиз мудофаа қобилятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш масалалари устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Шу асосда мамлакатимизнинг ҳарбий-илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, кўшинлар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишга янада улкан аҳамият қаратамиз.

Буюк Амир Темур бобомиз айтганларидек, ғалаба тақдирини аввало кўшиннинг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий кудрати ва мустаҳкам иродаси ҳал қилади.



Шу боис, миллий армиямизнинг чинакам куч-қудратини белгилаб берадиган кўркмас ва довюррак ҳарбийларимиз қалбида жанговар руҳни ошириш, уларни ҳар қандай қийинчилик ва синовга чидамли ва матонатли этиб тарбиялаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз Ватан ҳимоячилари!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Азму шижоатли Ўзбекистон ҳарбийлари – Ватанимиз посбонларига шон-шарафлар бўлсин!

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси президенти,
Қуrolли кучлар олий бош қўмондони**

“ҚАМАЛ САДОСИ” мавзусида телемост ташкил этилди




Ленинград блокадаси – салкам уч йил давом этган харбий қамал бўлиб, ҳозирги Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган. Қамал Иккинчи жаҳон уруши даврида Мовий дивизион вакиллари – немис, фин ва испан кўшинлари томонидан шаҳарни эгаллаш ва уни йўқ қилиш мақсадида амалга оширилган эди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳузуридаги “Шон-шараф” давлат музейида “Қамал садоси” мавзусида телемост ташкил этилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Қамалда қолган Ленинград шаҳри озод этилганига 80 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган ушбу телемостда Санкт-Петербург, Азнакаево, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон вакиллари иштирок этди.

Зоом платформаси орқали онлайн тарзда бўлиб ўтган ушбу халқаро телемостда барча давлат вакиллари Иккинчи жаҳон урушида инсоният бошига тушган мудҳиш кунлар, шунингдек эришилган Ғалабага муносиб ҳисса қўшган жасоратли, халқпарвар ва юрт фидойиларининг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолиси эвакуация қилинганларга уй-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар билан ёрдам беришди. Эвакуация қилинган 1,5 миллион кишидан 250 мингдан ортиғи Қамалда қолган Ленинграддан, Белоруссия ва Полшадан олиб келинган болалар ва ўсмирлар эди. Айнан Нева бўйидаги шаҳарлардан 5 минг бола Ўзбекистонга эвакуация қилинган.

Шунингдек, Мулоқот пайтида ҳарбий санъаткорлар томонидан тарих билан боғлиқ мусиқий чиқишлар ҳам намоиш этилди. Тадбир сўнгида Ленинград жамоаси эвакуация қилинган фуқаролар ҳар бир давлатда қадрланиб эъзоз топаётганидан миннатдор эканликларини изҳор этишди.



**“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида 14 январь -
Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди**



Ватан ҳимоячилари кунининг халқимиз томонидан кенг нишонланишида теран мазмун-моҳият мужассам. Чунки бугунги кунда замонавий талаблар даражасида ҳар томонлама тайёргарликка эга Қуролли Кучларимиз бутун дунё ҳамжамияти эътироф этаётган, изчил иқтисодий ислоҳотлар, демократик жараёнлар амалга оширилаётган янги Ўзбекистон сарҳадлари дахлсизлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигининг ҳақиқий посбонига айланди. 1992 йилнинг айнан ана шу санасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан мамлакат ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон тасарруфига ўтказилиб, мустақил юртимиз Қуролли Кучлари ташкил топди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳузуридаги “Шон-шараф” давлат музейининг мажлислар залида 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларининг бир гуруҳига Мудофаа вазирининг “Намунали хизматлари”, “Ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун” кўкрак нишонлари ҳамда “Эсдалик нишони”, фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Ҳарбийлик касби инсондан чинакам ватанпарварлик, фидоийлик ва жасурликни талаб қилади. Ватан олдидаги ўз бурчини шараф билан адо этаётган ҳарбий хизматчилар буни теран ҳис қилган ҳолда Ватан ҳимоячиси деган юксак номга муносиб бўлмоқдалар ҳамда бундан ҳақли равишда фахрланишади.



“Коррупция – ривожланиш кушандаси” мавзусида тадбир бўлиб ўтди



Маълумки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига жиддий таъсир этади. Давлатнинг конституциявий асослари ва қонун устуворлигини заифлаштиради, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига сабабчи бўлади. Коррупция – бу ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши мумкин. Шу билан бирга, нафақат жиноятчиликни келтириб чиқаради, балки, ҳуқуқбузарлик ва маънавий бузилиш ҳолатини ўзида намоён этиб, фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари моҳиятини тубдан ўзгартирувчи, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Сўнгги йилларда юртимизда фуқароларимизни шу каби ҳолатларга аралашиб қолмасликлари, шунингдек, бу иллатларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Коррупцион ҳолатлар барча даврларда, турли даражада мавжуд бўлган. Унга қарши курашишда эса, унинг қай даражада ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилган ва шунга мос тарзда курашилган. Президентимизнинг 2023 йил 27 ноябрда “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Шундай экан, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, барча фуқароларимиз ҳам масъулдирлар.

Жорий йилнинг 26 январь куни “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда Тошкент ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида “Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш” мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда сўз олганлар бу каби иллатлар нафакат соҳалар ривожига зарар етказиши, балки давлат ва жамият ўртасида ўзаро номутаносибликларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдиришди. Шунингдек, мутахассислар томонидан бу каби жиноятларга аралашмаслик ва содир этилган ҳолатлардан хабардор бўлган тақдирда тегишли орган ташкилотларига хабар беришликлари, шунингдек, бу каби ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.



“Генерал ва ёшлар” мавзусида тадбир бўлиб ўтди



Хар бир юртнинг келажаги ёшлар кўлидадир. Шундай экан, ёшларни хар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш энг устувор вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида камол топишлари учун кенг кўламли ислохатлар амалга оширилмокда. Жумладан, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси “Шон-шараф” давлат музейи анжуманлар залида ўтказилган “Уч авлод” учрашуви ҳам айнан шу каби эзгу мақсадларга қаратилди. Олмазор тумани Мудофаа ишлар бошқармаси ҳамда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мактаб ўқувчилари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар ҳукуқий кенгаши харбий бўлими раҳбарияти, нафақадаги генераллар, Олмазор тумани Нуронийлар жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар тарихда аждодларимизнинг ватан тинчлиги йўлида кўрсатган жасорати ҳамда фидойилиги билан боғлиқ кўплаб маълумотларни беришди. Фахрийлар ёшларга ўзларининг панду-насихатларини, ватан нечоғлик азиз ва муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш эса хар биримизнинг муқаддас бурчимиз — дея таъкидлашди.

Тадбир давомида шеърят мулкининг султони, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг таваллуд куни ҳам кенг нишонланди. Иштирокчилар бобокалонимизнинг босиб ўтган ибратли хаёт йўли ҳақида кўплаб маълумотларни бериб, унинг ижодидан парчалар ўқишди.



“Шон-шараф” давлат музейида Собир Раҳимов экспозициясининг яратилиши



Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Генерал-майор Собир Раҳимов 1902 йили 25 январда (баъзи маълумотларга кўра 1 январда) Тошкентда туғилди. Меҳрибонлик уйида ўсди. 1922-йили Ишчи-Дехқон Қизил Армиясига ёзилди. 1925-йили Бокудаги ҳарбий мактабни битирди. Туркистон ҳарбий округида бир неча йил кавалерияга қўмондонлик қилди. Бир неча марта яраланган. 1930-йили қўмондонлик таркибини мукамаллаштириш курсларини битирди. 1940-йили эса Ғарбий махсус ҳарбий округга жўнатилди.

Иккинчи жаҳон урушига келиб Собир Раҳимов майор ва мотоўқчи полки қўмондони ўринбосари унвонида эди. 1941-йил июлида яраланиб, госпиталда даволанди; ўша йил ноябрида 56-армиянинг 1149-ўқчи полки қўмондони бўлиб фронтга қайтди. Жанубий фронтда Ростов ва Таганрог ҳимоясида кишни ўтказди; 1942-йил январида яна яралиб, контузияга учради. 1942 йил майида фронтга қайтди, сентябрида эса 56-армиянинг 395-ўқчи дивизияси қўмондони этиб тайинланди. 1943-йил бошида шу дивизия Шимолий Кавказ минтақасида ўзини яхши кўрсатди ва Собир Раҳимовга оз вақт ўтиб, 19 март куни генерал-майор унвони берилди.

1945-йил феввалида 37-дивизия аскарлари 9-минг кишилиқ гарнизон ҳимоясида турган Полша шаҳрини забт этишди. Бир неча кундан сўнг генерал Раҳимов бошлиқ дивизия Гданск шаҳрига биринчи бўлиб кирди.

1945 йил 26 март куни жангларнинг бирида Собир Раҳимов турган кузатув пунктига снаряд келиб тушди ва генерал бошидан яраланди. Раҳимов 8 соатдан сўнг госпиталда вафот этди.

Собир Раҳимов қабри она шаҳри — Тошкентда жойлашган.

Собир Раҳимов жанговар хизматлари учун бир нечта орден ва медаллар билан тақдирланган.

Қизил Юлдуз Ордени-1930 йил 6 апрелда таъсис этилиб, тинчлик ва уруш даврида давлат хавфсизлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун тақдирлашга мўлжалланган. Қизил юлдуз ордени билан 1936 йил 27 апрелда жанговар тайёргарликда эришган юқори натижалари учун тақдирланган.

Биринчи Қизил байроқ ордени билан 1941 йил августда Ельня операциясидаги жанговар ҳаракатлари учун тақдирланган.

Иккинчи Қизил байроқ ордени билан 1942 йил 4 январдаги буйрукка асосан 1941 йил 28-29 ноябр кунлари Ростов шаҳри учун бўлган жанглари мувоффақиятли ташкил қилганлиги ва Ростовни эгаллагани учун тақдирланган.

Учинчи Қизил байроқ ордени билан 1942-йил 13-декабр кунда Кавказ учун бўлган жангларида тақдирланган.

Тўртинчи Қизил байроқ ордени билан 1944-йил 14-августда Люблин-Брест операциясида 37-ўқчи дивизия жанговар ҳаракатларини мувоффақиятли бошқаргани учун тақдирланган.

II-даражали Саркардалиқ Суворов ордени ордени - 1943 йил 8-февралда Дивизия жанговар ҳаракатларининг муваффақиятли бошқарганлиги учун тақдирланган.

Кавказни ҳимоя қилишда ўз бирлашмасини моҳирона башқарганлиги учун 1944 йил 1-майда таъсис этилган “Кавказ муҳофаази учун” медали билан тақдирланган.

1942-йил 29-июлда таъсис этилган II-даражали Кутузова ордени билан бригада, дивизия ва корпус камандирлари тақдирланган.

С.Раҳимов мазкур орден билан 1945-йил 10-апрелда вафотидан сўнг ҳарбий операция режаларини ишлаб чиққанлиги ва муваффақиятли ўтказганлиги учун тақдирланди.

Уруш пайтида кўрсатган жасоратлари учун генерал-майор Собир Раҳимовга орадан 20 йил ўтиб 1965-йил 6 майда ССРИ Олий Кенгаши Президиуми қарори билан “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейида генерал-майор Собир Раҳимовга бағишланган махсус бурчак ташкил қилиниб, бу ерда унинг 2019 йилда Музей очилиши арафасида Ўзбекистон тарихи давлат музейи томонидан совға қилинган Папах-бош кийими ва генералнинг киши уст кийими Экспозицияга қўйилган. Шунингдек витринада С.Раҳимов ишлатган дала сумкаси, генерал шахсий куроли, генераллик қиличи, шахсий ҳужжатлари, Россия Федерацияси Муҳофаа вазирлиги марказий архиви томонидан нусхаси тақдим этилган генерал Собир Раҳимовнинг шахсий жилди ва фотосуратлари жойлаштирилган. Буларнинг ҳаммаси ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта далилий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

**Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон уруши даври тарихини ўрганиш
бўлими катта илмий ходими, Қуrollи кучлар хизматчиси
Ш.Юлдашева**

9 февраль – Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган кун



Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Мир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари 1441 йил 9 феврал куни Ҳиротда таваллуд топган. Алишер Навоий таваллуди муносабати билан ҳар йили 9-феврал куни юртимизда кенг нишонланиб, адабий-маърифий тадбирлар, мушоиралар ўтказилади. Бу йил ҳам Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги чексиз эҳтиром билан нишонланмоқда.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий 10-12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, ёш Алишер Навоийнинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий, унинг:

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш

матлаъли ғазалини тинглаб: “Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим...” деган.

Алишер Навоий 15 ёшида шоир сифатида кенг танилган. Шеърларини туркий (Навоий таҳаллуси билан) ва форсий (Фоний таҳаллуси билан) тилларида ёзган.

Алишер Навоийнинг бебаҳо адабий ва илмий меросида дostonлари, девонлари, форсий тилдаги шеърӣй мероси, илмӣй-филологик, насрий ва тарихий асарлари мавжуд.

Алишер Навоийнинг ўзбек тилида яратган шеърӣй мероси асосан “Ҳазойин ул-маонӣй” девонига жамланган. Асар 4 қисмдан иборат. “Ҳазойин ул-

маоний” инсон боласининг мураккаб ва юксак тафаккури ҳамда беҳисоб хис-туйғулари билан боғлиқ мингларча шеър ва ўнларча шеър турларини ўз ичига олган мажмуа бўлиб, Шарқ адабиёти тарихида ноёб ҳодисадир.

Навоий ижодининг юксак чўққиси “Хамса” асаридир. Унинг яратилиши туркий халқлар адабиётида муҳим воқелик бўлган. Шоир биринчилардан бўлиб, туркий тилда тўлиқ “Хамса” яратди ва шу билан туркий тилда кўламдор асар ёзиш мумкинлигини исботлаб берди.

Алишер Навоий асарларида XV аср ижтимоий ҳаётининг турли жиҳатларига тааллуқли мавзулар кўтарилган бўлиб, давлат бошқаруви, замонавий ҳаёт ва халқларнинг келажаги, ахлоқ, дин ва фан, таълим ва маданият масалалари кенг ёритилган. Алишер Навоийнинг асарларида олийжаноблик, сахийлик, адолат, сабр-токат ва қийинчиликларга дош бериш қобилияти тараннум этилади. Душманлик, ҳасад, нафрат, ёвузлик, хасислик, очкўзлик, ёлғон ва бошқа салбий инсоний фазилатлар қораланади. Навоий комилликка интилишга, эзгу ишлар билан яшашга ундаган ҳолда, шундай таъкидлайди: инсонни ташқи кўриниши, бойлиги ёки миллати билан эмас, балки унинг хатти-ҳаракатига қараб баҳолаш керак. Атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий қаламига мансуб, юксак маҳорат ва бетакрор сўз санъати оҳангида яратилган, улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо ижод намуналари асрлар оша ўз мазмун ва моҳиятини йўқотмай, улкан маънавий мерос ва адабиётимиз гултожига айланган.

Алишер Навоий ижоди ўзбек ва жаҳон адабиёти классиги сифатида бутун дунёга машҳур, унинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган, турли мамлакатлардаги кўчалар ва боғлар унинг номи билан аталган, шоир меросига ҳурмат ва Ўзбекистон билан дўстлик белгиси сифатида унга ёдгорликлар ўрнатилган.

Улуғ бобомиз хотирасини эъзозлаш, унинг ижодий меросини ўрганиш, келгуси авлодларга етказиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир!

**14-феврал Бобурийлар сулоласи асосчиси, ўзбек адабиётининг
йирик номоёндаларидан бири, олим, саркарда
Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун**



Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машхур тарихнавис олимлари каторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърлятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатги Бобурий”, “Ҳарб иши”, Аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърлят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 феврилида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият — улуғ боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳриддин, барча Темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узокка чўзилмади. 1494 йили отадан етим қолди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур



бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан мурасага келиш учун унга ён беришга — Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қилди ва ўзи Самарканд учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғин-баротдан бошқа бирор натижа бермади: унда катта ҳарбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг қўли баланд келди ва Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1519-1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрел ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Дехли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. Оврупо тарихчилигида “Буюк мўғуллар” номи билан “ғаллати машҳур” бўлган, аслида “Бобурийлар сулоласи” Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди.

Бобур бу ғалабадан кейин узоқ яшамади — 1530 йил декабр ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн этадилар.

**“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига январ-феврал
ойларида ташриф буюрган делегациялар**



Хитой халқ Республикаси делегацияси



Озарбайжон Республикаси делегацияси



Қозоғистон Республикаси делегацияси



**Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги Генерал -лейтенант Серко алексей
Меҳалович бошчилигидаги делегация**



НАТО Қуролли Кучлар делегацияси



**Қозоғистон Республикаси Миллий Гвардия
академияси бошлиғининг ўринбосари
бошчилигидаги делегация**



Беларус Республикаси делегацияси



**Қозоғистон Республикаси Касаба уюшмаси
раҳбарларидан иборат делегация.**

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Самарқандга кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик масалалари тарихи

Иккинчи жаҳон уруш йилларида бутун мамлакатимизда бўлганидек, Самарқанд халқ маорифи муассасалари ҳам юз берган вазиятни ҳисобга олиб, ўз ишларини тезлик билан қайта кўриб чиқдилар. Уруш даври, мактаблар олдида янги мураккаб вазифаларни кўяр экан, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш билан бир каторда фронтда имкон борида кўпроқ ёрдам бериш зарурлигини тақозо қилиб қўйди.

Урушнинг биринчи кунлариданок Самарқанд шаҳридаги мактаблар ва барча таълим муассасалари оғир шароитларда ишлашга мажбур бўлди. Бу вақтга келиб, бинолар етарли эмас, борлари ҳам нобоп биноларда жойлашган эди. Чунки мактаб биноларининг аксарияти шифохона ва бошқа муассасаларга берилган эди.

Самарқанд шаҳридаги 35, 43, 27, 7, 37, 34, 46, 10, 5, 8-мактабларнинг бинолари, шунингдек педагогика ва муаллимлар тайёрловчи институтнинг бинолари госпиталларга олиб берилди. Бу бинолар кўчириб келтирилган корхоналарнинг ишчилари учун ётоқхоналарга айлантирилди. Мактаблардан олинган биноларнинг бир қисмига кўчириб келтирилган олий ва ҳарбий ўқув юртлари жойлаштирилди. Ҳатто Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарлари мактабларнинг кўпчилигида ўқув машғулотларини уч сменада ўтказишга тўғри келди. Ҳатто шаҳарнинг тўртта мактабида дарслар тўрт сменада олиб борилди.

Бу даврда кўчириб келтирилган муассасаларга биноларнинг етишмай қолганлигидан Самарқанд Педагогика Институти ва Ўзбек Давлат университети ёпиб қўйилди. Кўплаб мактаб ўқитувчиларининг фронтга кетиши, ўқув дарсликлари ва дафтар ҳамда ўқув жиҳозларининг етишмай қолганлиги сабабли мактабларнинг иши анча қийинлашди. Халқ маорифи ташкилотлари уруш даврининг қийинчиликларини енгиб, мактабларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, мактаб шахобчаларини сақлаб қолиш, мактаб ёшидаги болаларни ўқишга жалб этиш учун сабот-матонат билан меҳнат қилдилар. Масалан, 1943-1944-ўқув йилида вилоятдаги бошланғич тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларга 181 000 бола қамраб олинди. 11 жойда янгидан ўрта мактаб, 30 жойда тўлиқсиз ўрта мактаб, 71 колхозда янги синфлар очилди. Шу йили мактаб ёшига тўлган 27 000 бола ўқишга тортилди.

Уруш йилларида кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаш Самарқанд вилоят раҳбарияти, муассасалар ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида турган асосий вазифалардан бири бўлди.

Кўчириб келтирилган болаларни жойлаштиришга вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари раҳбарлик қилди. Шаҳар темирйўл вокзалида эвакуопункт ташкил қилинди ва унинг ҳузурида балоғатга етмаган болаларни қабул қилиб олиш пункти ташкил қилинди.

Уруш туфайли ота-онасидан ажралган, бошпанасиз қолган 20 минг бола Самарқанд шахрига қабул қилиб олинди. Улар болалар уйларига, боғчаларга ва ўқув юртларига жойлаштирилди. Улар учун махсус ошхоналар очилди. Кўчириб келтирилган кишиларнинг ва фронтдагиларнинг 1500 боласи ҳар куни иссиқ овқат олиб турди, уларнинг кўплари текин овқатлантирилди. Бемор ва кучсиз болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, санаторияларга жойлаштирилди.

Вилоятда соғломлаштиришга мухтож бўлган болалар учун “Оғалик” санаторияси ташкил этилди. Болаларни соғломлаштириш компанияси даврида бир неча минг ўғил-қиз ўз соғлигини мустаҳкамлаб олди. 1943 йилда вилоятда 10 570 бола, 1944 йилда 15 минг ва 1945 йилда 16 345 бола соғломлаштириш компаниясига тортилди ва уларнинг соғлиги яхшиланди.

Самарқандга кўчириб келтирилган ва ота-оналари фронтда жанг қилаётган болаларга мактаблар катта ёрдам кўрсатдилар. Масалан, Сиёб туманидаги 15-сон ўрта мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари жамоаси фронт яқинидан кўчириб келтирилган болаларга чинаккам ғамхўрлик кўрсатдилар. Мактабда кўчириб келтирилган болалар учун иссиқ кийимлар тўплаш авж олди. Ҳомийлар томонидан қисқа вақт ичида ўқувчиларга 18 дона иссиқ кўйлак ва бошқа нарсалар келтирилди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўқувчилардан Мансуров, Салимзода Ёқубов, Иброхимовлар кўчириб келтирилган болаларга иссиқ кийим сотиб олиш учун бир кунлик иш ҳақларини бердилар.

Шаҳарнинг Боғишамол туманидаги 45-сон ўрта мактабнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари кўчириб келтирилган ўсмирлар учун 420 та ҳар хил иссиқ кийим тўплаб бердилар. Бу ишда ўқитувчи Туфарина раҳбарлик қилаётган 8-синф ўқувчилари 65 та иссиқ кийим, 6-синф ўқувчилари эса 15 та иссиқ кийим топширишди.

1942/43-ўқув йилида мактаблар кўчириб келтирилган болалар ёрдам фондига 101 349 сўм, кийим ва пойабзал олиш учун 1044 талон, кўпгина иссиқ кийим ва шу кабиларни тўплаб берди. Шаҳардаги 30-,37-мактаблар бир неча маротаба пуллик кечалар ўтказиб, тўпланган 16 600 сўмга шу мактабда ўқиб турган 20 бола учун кийим сотиб олдилар, 35-мактаб эса ўзи тўплаган пулга болалар санаториясининг 12 та йўлланмасини сотиб олиб, фронт бўйидан кўчириб келтирилган кишиларнинг даволанишга мухтож болаларини шу йўлланмалар билан таъминладилар.

1942/43-ўқув йили бошланганида Самарқандда 36 та мактаб бўлиб, 15 таси ўрта, 11 таси етти йиллик ва 10 таси бошланғич мактаблар эди. Ушбу мактабларнинг ўқувчи болаларининг 86,5 фоизи 1-4-синфларда, 65,4 фоизи 7-синфга қадар, 64 фоизи эса 10-синфга қадар ўқишга тортилган эди. Мактабларнинг юқори синфларида ўқувчилар бунчалик камайиб кетганлигининг сабаби, ўсмирларнинг кўплари халқ хўжалигига ишга кириб кетганлиги ёки ҳунар билим юртларига ҳамда фабрика- завод таълими мактабларига кириб ўқишни давом эттирганлигида эди.

Уруш йилларида Самарқанд вилоятида яшаган поляк фуқароларини рўйхатга олиш натижасида вилоятдаги 13 минг поляк фуқароларидан 1817 нафари 16 ёшгача бўлган болалар эканлиги аниқланган. Комполдет ва Поляк

ватанпарварлари уюшмаси ташаббуси билан, вилоят ва туман маъориф бўлимларининг бевосита ёрдами туфайли 1943 йилда Самарқанд вилояти ҳудудида қатор поляк мактаблари ташкил топди. Бу мактаблар Самарқанд, Каттакўрғон, Жиззах шаҳарларида, Пахтакор, Мирбозор, Булунғур ва Пастдарғом тумани ҳудудида ташкил этилади. Поляк болаларидан ташкил топган мактаблардан бири 1943 йил 1 октябрда Самарқанд шаҳрида ташкил этилади. Ташкил этилган № 2-поляк ўрта мактаби кейинчалик ташкил этилган барча мактабларга таянч Марказ бўлиб қолди. Ўқувчилар таркиби жихатидан СССР даги энг катта мактаблардан бири бўлган бу масканда 1943 йилнинг декабрь ойининг бошида 220 ўқувчи ўқиган бўлса, 1945 йилга келганда 339 нафар ўқувчи ўқиган.

1945 йилги маълумотларга қараганда Самарқанд вилоятидаги поляк мактабларининг сони 66 тага етиб, уларга 1184 нафар ўқувчи ўқиган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўз ватанларида тенгдошлари фашизм босқинчилари зулмидан азоб чекаётган, мактабга боришни ҳаёлига ҳам келтиролмай турган вақтда Самарқандга кўчириб келтирилган поляк болалари ўз она тилида таълим олиш имкониятига эга бўлдилар.

Умумий мажбурий таълим юзасидан берилган давлат режалари урушнинг сўнгги йиллари даврида Ўзбекистонда бажарилмади. 1943 йилда 200 мингга яқин бола ўқимади. 1944 йилда ҳам аҳвол яхшиланмади. 1-4 синфларнинг ўзида 135 минг ўқувчи дарсларга қатнашмади.

1944-1945-ўқув йили бошидан 1-4 синфларга 75 минг бола келмади. Лекин бу даврда Республикада мактаблар тармоғи тамомила етарли эди. 1-4 синфлардаги болаларнинг барчаси беистисно ўқий олиши мумкин эди, аммо улар кўпинча ўқиш вақтида турли колхоз ва уй-рўзғор ишларига тортилар эди. 1945 йилга келиб республикада 4475 та мактабда бир миллионга яқин бола ўз она тилларида ўқир, 36 та олий ўқув юрти, 59 та техникум малакали мутахассислар тайёрлар эди. Бу пайтда Республикада 3000 га яқин ўқитувчи етишмасди, айти пайтда 1000 дан ортиқ тажрибали ўқитувчилар ўз касбида ишламасди.

Вилоят Советининг 5 сессияси муҳокамасига тақдим этилган 1945 йил Давлат бюджетига ижтимоий тадбирлар учун 156 690 сўм миқдорида маблағ сарфланиши белгиланган. Бу 1944 йилга нисбатан 18,8 фоиз ортиқ, яъни вилоят бюджетининг 81% ини ташкил этган. 1945 йил маъориф ва маданият соҳасига 1944 йилга нисбатан 23,7 фоиздан ортиқ маблағ сарфланди.

Самарқанд вилоятида 1944-1945-ўқув йили кўп жихатдан қониқарсиз тугалланади. Вилоятда умумий мажбурий таълим топшириқлари бажарилмади, ўқув йили давомида 56 минг бола мактабга тортилмай қолди. Бу эса мактаб ёшидаги болаларнинг 30 фоизини ташкил этади. Вилоятнинг Ғаллаорол туманида юз берган аҳвол янада ачинарли бўлган. Туманда 1944-1945-ўқув йилида умумий мажбурий таълим мутлақо қониқарсиз бажарилди. Мактаб ёшидаги 6710 боладан атиги 2500 нафари мактабга тортилди. Тумандаги мактабларга 84 нафар ўқитувчи етишмас эди, ишлаётган 252 ўқитувчидан 160 нафари бошланғич маълумотга эга бўлган ҳалос.

Вилоятдаги 5782 нафар ўқитувчидан 3910 нафари тегишли малакага эга бўлмаган ҳолда, вилоят мактабларига 1031 нафар ўқитувчи етишмаган.

1944-1945-ўқув йилида вилоятда 754 та мактаб фаолият кўрсатди. Бу ўқув йилида мактаб ёшидаги 30 фоиз болалар ўқишга тортилмай қолинар экан, айрим мактабларда ўқишлар, дарслар март ва апрель ойларида тўхтаб қолар эди. Иштихон туманидаги 5 ва 6 синфларида ўқиш муддатидан 4-5 ой олдин тамомланган. Оқдарё, Ургут, Пастдарғом каби туманларда ҳам бундай аҳвол рўй берган. Ғаллаорол туманида мактаб ёшидаги 6710 боладан 2500 нафари ўқишга тортилган ҳолда, Каттакўрғон туманидаги 4 та ўрта мактабда, Қорақишлоқ туманидаги 2 мактабни, Пайариқ туманидаги 5 та ва Ургут туманидаги 6 та мактабни 1944/45-ўқув йилида битта ҳам ўқувчи битирмади.

Уруш йилларида болалар уйлариининг сони бирмунча ошди. Илгари мавжуд бўлган 16 та болалар уйлари 1945 йилга келиб 44 тага етди ва уларда 4630 нафар бола тарбияланди.

1941 йилда вилоятда 107 та боғча бўлиб, 3751 бола боғчаларга топширилган бўлса, 1945 йилнинг июлига келиб 158 боғчада 5587 нафар бола тарбияланди. Эмизикли ёш болалар уйи 1941 йилда 75 ўринли бўлган бўлса, 1945 йилга келиб 150 ўринга эга бўлди.

Вилоят Маҳаллий бюджетидан маблағ бериладиган болалар боғчаларида тарбияланувчи болаларнинг сони 3326 нафардан 4530 нафарга ва болалар яслиларида 2450 дан 3498 нафарга ўсди.

Тўрт йилдан ортиқроқ вақт давом этган уруш даврида Самарқанд вилоятида аҳоли соғлиги учун 154 миллион сўм маблағ сарфланди. 1942 йилда аҳоли соғлиғига 5 миллион сўм сарф қилинган бўлса, 1944 йилда 44 миллион сўм сарф қилинди. 1945 йилда эса соғлиқни сақлаш ишларига 48 миллион 229 минг сўм режалаштирилди. Шифохоналардаги жой-қойкалар сони 1944 йилдаги 1452 ўридан 1600 ўринга кўпайтириш режалаштирилди. Вилоятда аҳоли соғлиги учун кўп янги медицина тармоқлари ва шифохоналар очилди. Масалан, 2057 қойка (ўрин)ли 16 касалахона, 12 та поликлиника, 2 та хотин-қизлар консультацияси, 16 та эпидемияга қарши станциялар, безгак касалига қарши 31 та пункт ташкил этилди.

Тиббиёт ходимларининг маҳорат билан ишлаши натижасида уруш йилларида вилоятда ич терламаси, юрак касали, бўғма, скорлатина каби юқумли касалликлар камайди.

Уруш йилларида вилоятда юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш анча кучайди. Самарқанд Давлат медицина институти 1000 га яқин врачлар, медицина мактабларида 2000 дан ортиқ акушер, фельдшер, ҳамширалар тайёрлади.

Вилоятнинг 1945 йилги маҳаллий бюджетининг ҳажми вилоят ижроия кўмитаси томонидан 190 миллион 26 минг сўм миқдорида белгиланган эди. Бу маблағларнинг катта қисми ёшлар ўртасида таълим ва тарбия учун сарфланиши белгиланди. Умумтаълим мактабларига 67 миллион 369 минг сум, техникум, педагогика билим юртлари ва курслар учун 7 миллион 183 минг сўм миқдоридаги маблағ белгиланди. 1945 йилда вилоятда бошланғич ва ўрта мактабларда 177 200 бола ёки шу йилнинг бошига нисбатан 21 минг 200 боладан кўпроғини ўқитиш кўзда тутилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ёшлар учун янги мактаблар очилди. Бу мактабларда ўқувчиларнинг сони 2 баравар ошди. Техникум ва билим юртларида ўқувчиларни сони 1400 нафарга ошади.

Бу даврда Самарқанд шаҳри республикадаги илмий-маданий марказлардан бирига айланди. Бу ерда 7 та олий ўқув юрти, 2 та илмий текшириш институти ва 11 та техникум фаолият кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, самарқандлик педагог ва ўқитувчилар уруш даврининг қийинчиликларига қарамасдан болаларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида фидокорона меҳнат қилишди, шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни олиб борди, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага ўз хиссаларини қўшдилар.

**СамДУ тарих факультети доценти т.ф.н Р. Холикулов
ТАТУ Самарқанд Филиали ўқитувчиси У. Холикулова**

СЎНГГИ УРУШ

Бир қадам қўйсанг бас — нарёғи ўлим,
Бир қадам қўйсанг бас. шаксиз ҳалокат.
Одамзод бошида турибди шу зум
Қазойи муаллақ, мудҳиш фалокат.

Энтикиб кетади ногоҳ юрагим,
Машъум бу сўзларни тинглаганим дам.
Бугун фақат тошлар бефарқдир, балким,
Бугун, балки, фақат булутлар беғам.

Асрлар сўнгида яралган инсон
Наҳот энди ўзин айласа барбод.
Наҳот охиратга юз бурса жаҳон,
Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот.

Навоий абасдир, Пушкин ҳам абас,
Рим йўқ, Самарқанд йўқ, даҳшат, алҳазар!
Мозийдан бирор ном қолармиди, бас,
Келажакнинг ўзи бўлмаса магар.

О, одам, ҳар нега топиндинг нечун,
Айт, у ярадимиди бирор-бир корга!
Фаллоҳ манглайдан ўқ ейди бугун,
Сиғиниб турган чоғ парвардигорга.

Йўқ, бу пок диллардан йироқ маломат,
Бу — бани одамга кўргулик, шўриш.
Бу — шўрлик заминга чанг солган офат,
Бу — дўзах, бу — ўлим, бу — сўнги уруш.

Алҳазар, оламда наинки одам,
Ҳаётнинг ўзи ҳам кирса қабрга.
Коинот қаърида заминдан у дам
Наҳот эшитилса сўнги қасирға.

Наҳотки, тангри ҳам, иблис ҳам кўр-кар,
Осий банда билан кетса жонҳалак.
Айтчи, собит кучинг бор бўлса магар,
Бизни не муродда яратдинг, фалак?!

Бу бари — асримиз кашф этган бало,
Бу — ёвуз сармоя, кўру кар, сўқир.
Бошимиз устида турибди гуё
Бир соч толасига боғланган шамшир.

Уммон ортидаги митти қиз Смит
Жаҳон тақдири деб жар солар бу чоқ.
Ҳайҳот, ўшал жойда қайсидир палид
Унинг қисматиға қайрайди пичоқ.

Мунис Ўзбегимнинг осойиш чоғин,
Куйламоқ менга ҳам бахтдир базавол.
Курашларда ўтган фарзандлар доғин
Унутмоқни лекин ким қилар хаёл.

Ҳар ким она дейди мушфиқ ерини,
Оҳ, не ғам, онани кулфатда кўриш.
Майли, шоир ёзсин сўнги шеърини,
Фақат, бўлмаса бас, сўнги бу уруш!

Абдулла Орипов